



**BOSHLANG'ICH TA'LIMDA
XALQARO BAHOLASH TAJRIBASI:
MUMMO, YECHIMLAR VA
ISTIQBOLLAR**

**XALQARO ILMiy-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI**

Buxoro, 2022-yil, 29-mart

Бошланғич таълимда халқаро баҳолаш тажрибаси: муаммо, ечимлар ва истиқболлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

***БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО
БАҲОЛАШ ТАЖРИБАСИ: МУАММО, ЕЧИМЛАР
ВА ИСТИҚБОЛЛАР***

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

2022 йил, 29 март

БУХОРО – 2022

Илмий анжуманнинг дастурий қўмитаси

- О. Х.Хамидов – Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, раис.
- О.С.Қаххоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Ў.У. Рашидов – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ю.А. Пўлотова – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, котиб.

Илмий анжуманнинг ташкилий қўмитаси

- О.С.Қаххоров – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, раис муовини.
- Г.Т. Зарипов – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ф.М.Қосимов – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Ғ.М.Сайфуллаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Н.Б.Адизова – бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо.
- Р.А.Қўлдошев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
- Р.Х.Жумаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2022 йил 29 март куни Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида “Бошланғич таълимда халқаро баҳолаш тажрибаси: муаммо, ечимлар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

Масъул муҳаррир:

А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари доктори, доцент

Такризчилар:

Б.Р.Адизов, педагогика фанлари доктори, профессор

Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

БАРКАМОЛ АВЛОД ВА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ШАХС

Г.Т.Зарипов (БухДУ)

С.Б.Болтаев (БухДУ жисмоний маданият
йўналиши 2-курс талабаси)

Буюк соҳибкирон бобомиз Амир Темурнинг бизга қолдирган меросида ҳам "баркамол авлод" талқини алоҳида қимматга молик. Зеро, бу улуғ сиймонинг ўзи инсон камолотининг буюк чўққиси эди. Шу ўринда бир-бирига яқин бўлган ва икки даврда айtilган икки фикр ўртасидан параллел ўтказмоқчимиз: бу фикрларнинг биринчисини машҳур ўзбек олими И.М.Мўминов айтган эди: «Амир Темур даврига оид биринчи манбалар, мавжуд адабиётлар ўзига хос тартиб билан тўлиқ ўрганилган эмас». Темур ва темурзодалар даври тарихини ўрганишга оид бу фикр "қизил империя" хуружлари авж олган даврда - ўтган XX асрнинг 60-йилларида айtilган эди; иккинчи фикр Она-Ватанимизнинг мустақиллиги йилларида Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан айtilган: "Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолгусидир. ... Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Ҳар иккала фикрдан чиқариладиган хулоса шуки, янги XXI асрнинг илк йиллариданок бобомиз Амир Темур сиймоси тимсолида баркамол авлод шахсини тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди.

«Мен ҳаётим мобайнида, - деб айтган эди Амир Темур, - беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамиша уларга амал қилдим. Улар ушбулардир: Оллоҳ, Тафаккур, Қилич, Имон, Китоб». Улуғ саркарда одамларни қариндош-уруғчилик, тилёғламачиликларига қараб эмас, аксинча, уларнинг "ишбилармонлик, мардлик ва шижоат соҳибни, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр"лигига қараб баҳолаган. Ҳар бир киши у ёки бу ходисани баҳолаганда ўз билими, тасавури, дунёқараши қабиларга таянади. Шу жиқатлари ҳисобга олинадиган бўлса, Амир Темурнинг ўзи ҳам хушёр, шижоатли, мард, қатъиятли, тадбиркор шахс, ўқимишли, маърифатли, баркамол авлод бўлган.

Амир Темурдан қолган меросда кишининг "насл-насаби", "асиллиги", "ақл-фаросатлилиги", "хушмуомалалиги", "сабр-чидамлилиги", "тинчликсеварлиги" инсоннинг шахсий сифатлари шаклида қаралган. У инсоннинг шахсий сифатлари орасида "жисмоний камолотни" жуда ҳам ардоқлаган. Бобомиз ёзув ва китобга такрорланмас таъриф берган: ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди; китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. У буюк зот қомусий билимлар соҳибни бўлган. Шу ўринда машҳур тарихшунос олим Бўрибой Аҳмедовнинг ушбу фикрини келтиришни жоиз деб топдик: "Амир Темур - буюк шахс: кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос, шу билан бирга, эл-юртини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон".

Жаҳонгир бобомизнинг «Тузуқлар»ида инсон шахсини тавсифлашга оид сўз, сўз бирикмалари шунча кўпки, уларни "баркамол авлод шахси" мазмуни ва мундарижасини ойдинлаштиришда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, «Темур Тузуқлари»нинг дастлабки саҳифасидаёқ инсоннинг шахсий сифатларига оид шундай сўзлар учрайди: сабр, сабр-тоқат; қатъият, шижоат, азми қатъий; тадбиркор, ишбилармон; хушёр, сергак, эҳтиёткор; мард, чидамли, ақлирасо. Яна бир мисол: шарм-ҳаёлилик, ақл-фаросатлилиқ, хушмуомалалиқ, тинчликсеварлик, мустақиллик, софлик, тўғрилиқ каби шахсий сифатга оид сўзлар асар матнида "баркамол авлод", "камолотга эришиш" ибораларига ёнма-ён ишлатилган.

Фан ва миллий меросга оид манбаларга қилинган бундай кузатишлардан кўринадики, шарқона таълим-тарбия тизимида "баркамол авлод шахси" ғояси етакчи ўринни эгаллайди. Баркамол авлод шахси тушунчасининг мазмуни ва ҳажми шунчалар кенги, у қоинот ва инсон ўртасидаги боғланиш, тасавурларнинг барчасини ўзига қамраб олади. Баркамол авлод шахси тўғрисидаги таълимот минг йиллар мобайнида шаклланган ва бизга мерос бўлиб қолган. Бу таълимот «инсон ва қоинот» тизимида сайқал берилган умуминсоний кадрият бўлиб, ўзига

зохирини ва ботиний, ақлий ва амалий, ташқи ва ички, ахлокий ва жинсий, рухий ва моддий, дунёвий ва илохий қарашларни мужассамлаштирган. Шундай экан, шарқона "баркамол авлод шахси" ва ғарб педагогикасида асосланган "ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс" идеаллари бир нарсами ёки улар ўзаро ўхшаш, аммо алоҳида-алоҳида ходисаларми деган саволларнинг туғилиши табиий.

Ғарб педагогикасида кенг ўрганилган ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс идеали қадимги грекларнинг "калос кай агатос" формуласига бориб такалади ҳамда "жисмоний ва ақлий интилишлар ўртасидаги уйғунлик" маъносини англатади. Бу ғоянинг моҳиятини тушуниб олиш учун тубандаги икки нуктаи назарни кўздан кечирайлик.

Зохир Ғафуровнинг "Шахс камолоти" номли китобида "шахснинг бир томонлама ривожланиши" ва "шахснинг ҳар томонлама, гармоник ривожланиши" алоҳида-алоҳида ходисалар сифатида таҳлил қилинган.

Муаллифнинг ёзишича, бир томонлама ривожланиш натижасида шахснинг фаолият доираси шу қадар торайиб қоладики, унда шахсдаги қобилият ва истеъдод сўниб кетади. Ҳар жиҳатдан ривожланган киши деганда ишнинг кўзини биладиган, ҳамма нарсани эплай оладиган, уддабурон, такомиллашган киши кўз ўнгимизда гавдаланади.

«Бошқача қилиб айтганда, - деб давом эттиради З.Ғафуров - шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши, унинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат: шахснинг ақлий ривожланиши, фан, техника ва маданият асосларини пухта ўзлаштириб олиши; шахснинг жисмоний тараққиёти; шахснинг маънавий камолоти; шахснинг ахлокий поклиги; шахснинг ғоявий жиҳатдан баркамоллиги; шахснинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги фаоллиги; шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши». Шундай қилиб, З.Ғафуров ҳар томонлама гармоник ривожланиш деганда, шахснинг бир фаолият туридан иккинчисига тезкорлик билан ўтиши, барча фанларни ўзлаштириши, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг асосий тамойилларини эгаллаши, замонавий техника ва технологияларни билиши, фаолият турларининг бир-бирига уйғунлиги каби белги-аломатларни аниқлайди.

SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA ISTIQLOL DAVRI BOLALAR ADABIYOTIDAN FOYDALANISH

Jumaniyozova M.X. - UrDU Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasida dotsenti, filologiya
fanlari nomzodi

Otanazarova M.H. - UrDU Ta'lim va tarbiyaviy ishlar nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich
ta'lim) mutaxassisligi 1-kurs magistri

Annotatsiya. Mazkur maqolada boshlang'ich ta'lim sinfdan tashqari o'qish darslarining ta'limdagi o'rni hamda unda istiqloq davri bolalar adabiyotidan foydalanishning mazmuni, maqsad-vazifalari va ahamiyati kabi jihatlarda tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: boshlang'ich ta'lim, sinfdan tashqari o'qish darsi, bolalar adabiyoti, istiqloq davri bolalar adabiyoti, mavzu doirasi, vatanparvarlik, dars samaradorligi.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль внеклассного чтения в начальном образовании, а также содержание, задачи и значение использования детской литературы в период независимости.

Ключевые слова: начальное образование, внеклассная работа, детская литература, детская литература периода независимости, тематические особенности, патриотизм, результативность урока.

Annotation. This article examines the role of extracurricular reading in primary education, as well as the content, objectives and importance of the use of children's literature in the period of independence.

Keywords: primary education, extracurricular activities, children's literature, children's literature of the independence period, thematic features, patriotism, lesson effectiveness.

Yangi taraqqiyot yo'lidan borayotgan respublikamizda yoshlar tarbiyasi, ularning ma'naviyatini yuksaltirish sohasidagi islohotlarni tizimli, bosqichma-bosqich amalga oshirish strategiyasi belgilab olindi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqida mamlakatimizning yangi qiyofasini shakllantirish yo'lida olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar

зохирий ва ботиний, ақлий ва амалий, ташки ва ички, ахлоқий ва жинсий, руҳий ва моддий, дунёвий ва илоҳий қарашларни мужассамлаштирган. Шундай экан, шарқона "баркамол авлод шахси" ва ғарб педагогикасида асосланган "ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс" идеаллари бир нарсами ёки улар ўзаро ўхшаш, аммо алоҳида-алоҳида ҳодисаларми деган саволларнинг туғилиши табиий.

Ғарб педагогикасида кенг ўрганилган ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс идеали қадимги грекларнинг "калос кай агатос" формуласига бориб такалади ҳамда "жисмоний ва ақлий интилишлар ўртасидаги уйғунлик" маъносини англатади. Бу ғоянинг моҳиятини тушуниб олиш учун тубандаги икки нуқтаи назарни кўздан кечирайлик.

Зоҳир Ғафуровнинг "Шахс камолоти" номли китобида "шахснинг бир томонлама ривожланиши" ва "шахснинг ҳар томонлама, гармоник ривожланиши" алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида таҳлил қилинган.

Муаллифнинг ёзишича, бир томонлама ривожланиш натижасида шахснинг фаолият доираси шу қадар торайиб қоладики, унда шахсдаги қобилият ва истеъдод сўниб кетади. Ҳар жиҳатдан ривожланган киши деганда ишнинг кўзини биладиган, ҳамма нарсани эплай оладиган, уддабурон, такомиллашган киши кўз ўнгимизда гавдаланади.

«Бошқача қилиб айтганда, - деб давом эттиради З.Ғафуров - шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши, унинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат: шахснинг ақлий ривожланиши, фан, техника ва маданият асосларини пухта ўзлаштириб олиши; шахснинг жисмоний тараққиёти; шахснинг маънавий камолоти; шахснинг ахлоқий поклиги; шахснинг ғоявий жиҳатдан баркамоллиги; шахснинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги фаоллиги; шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши». Шундай қилиб, З.Ғафуров ҳар томонлама гармоник ривожланиш деганда, шахснинг бир фаолият туридан иккинчисига тезкорлик билан ўтиши, барча фанларни ўзлаштириши, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг асосий тамойилларини эгаллаши, замонавий техника ва технологияларни билиши, фаолият турларининг бир-бирига уйғунлиги каби белги-аломатларни англайди.

SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA ISTIQLOL DAVRI BOLALAR ADABIYOTIDAN FOYDALANISH

Jumaniyozova M.X.- UrDU Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasida dotsenti, filologiya fanlari nomzodi

Otanazarova M.H.- UrDU Ta'lim va tarbiyaviy ishlar nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim) mutaxassisligi 1-kurs magistri

Annotatsiya. Mazkur maqolada boshlang'ich ta'lim sinfdan tashqari o'qish darslarining ta'limdagi o'rnini hamda unda istiqlol davri bolalar adabiyotidan foydalanishning mazmuni, maqsad-vazifalari va ahamiyati kabi jihatlarni tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: boshlang'ich ta'lim, sinfdan tashqari o'qish darsi, bolalar adabiyoti, istiqlol davri bolalar adabiyoti, mavzu doirasi, vatanparvarlik, dars samaradorligi.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль внеклассного чтения в начальном образовании, а также содержание, задачи и значение использования детской литературы в период независимости.

Ключевые слова: начальное образование, внеклассная работа, детская литература, детская литература периода независимости, тематические особенности, патриотизм, результативность урока.

Annotation. This article examines the role of extracurricular reading in primary education, as well as the content, objectives and importance of the use of children's literature in the period of independence.

Keywords: primary education, extracurricular activities, children's literature, children's literature of the independence period, thematic features, patriotism, lesson effectiveness.

Yangi taraqqiyot yo'lidan borayotgan respublikamizda yoshlar tarbiyasi, ularning ma'naviyatini yuksaltirish sohasidagi islohotlarni tizimli, bosqichma-bosqich amalga oshirish strategiyasi belgilab olindi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqida mamlakatimizning yangi qiyofasini shakllantirish yo'lida olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar

Бошланғич таълимда халқаро баҳолаш тажрибаси: муаммо, ечимлар ва истиқболлар

Qayimov Laziz. BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA TADBIRKORLIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH ZARURATI	269
Qayimov Laziz. O'QUVCHILARINI MAKTABDA IQTISODIY TARBIYANI AMALGA OSHIRISHGA PEDAGOGIK – PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGI	272
R. A. Qo'ldoshev, S. U. Subhonova. BOSHLANG'ICH SINIF SHARAQAY O'QUVCHILARNI YOZUVGA O'RGATISHNING NAZARIY ASOSLARI	274
М. М. Джумаева. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК ТАЛАБЛАРИ	277
Юлия Землина. РОЛЬ ИНТЕГРАТИВНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ФОРМИРОВАНИИ ПОЛОЖИТЕЛЬНОЙ ОЦЕНКИ УЧЕБНЫХ ДОСТИЖЕНИЙ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ.....	280
Xudoyqulov Jamshid. BOSHLAG'ICH SINFDAN MATNLAR YUZASIDAN PIRLS TOPSHIRIQLARINI TAYYORLASHNING METODIK JIHATLARI.....	282
Toyirova M.M. UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA O'QUVCHILAR KREATIV SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	284
Abdullayeva Feruza Nurillayevna. TA'LIM TIZIMI SIFATINI OSHIRISHDA PISA VA TIMSS KABI XALQARO TADQIQOTLARNING ROLI.....	290
Алимова Анастасия Николаевна. PIRLS КАК ОДИН ИЗ СОВРЕМЕННЫХ АСПЕКТОВ РАЗВИТИЯ РЕЧИ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНИКА НА УРОКАХ ЛИТЕРАТУРНОГО ЧТЕНИЯ.....	292
Jumaniyozova M.X., Xo'janiyozova G.I. BOSHLANG'ICH SINIF ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILAR NUTQINI O'STIRISHNING METODIK JIHATLARI.....	294
Saidova Gulruh Halim PIRLS XALQARO TADQIQOTINING TA'LIM TIZIMIDAGI AHAMIYATI	296
G'aybulloyeva Yulduz Mehriddinov. BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARINI TASHKIL ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	299
Ш.Абдурахмонов, С.Б.Болтаев. ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ.....	301
М.Х.Тилавов, С.Б.Болтаев. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИ ВОСИТАСИДА БАРКАМОЛ ШАХСИ ТАРБИЯЛАШ.....	302
Г.Т.Зарипов, С.Б.Болтаев. БАРКАМОЛ АВЛОД ВА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ШАХС.....	304
Jumaniyozova M.X., Otanzarova M.H. SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA ISTIQLOL DAVRI BOLALAR ADABIYOTIDAN FOYDALANISH.....	305



**BOSHLANG'ICH TA'LIMDA
XALQARO BAHOLASH TAJRIBASI:
MUAMMO, YECHIMLAR VA
ISTIQBOLLAR**

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN

MATERIALLARI

Buxoro, 2022-yil, 29-mart

Бошланғич таълимда халқаро баҳолаш тажрибаси: муаммо, ечимлар ва истиқболлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

***БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО
БАҲОЛАШ ТАЖРИБАСИ: МУАММО, ЕЧИМЛАР
ВА ИСТИҚБОЛЛАР***

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

2022 йил, 29 март

БУХОРО – 2022

И мий анжуманнинг дастурий қўмитаси

- | | |
|---------------|--|
| О. Х.Хамидов | – Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, раис. |
| О.С.Қаххоров | – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини. |
| Ў.У. Рашидов | – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо. |
| Қ.Р.Тўхсонов | – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, аъзо. |
| Ю.Ю.Азимов | – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо. |
| Н.О. Сафарова | – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо. |
| А.Р.Ҳамроев | – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудир, аъзо. |
| Ю.А. Пўлотова | – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, котиб. |

Илмий анжуманнинг ташкилий қўмитаси

- | | |
|----------------|--|
| О.С.Қаххоров | – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини. |
| Қ.Р.Тўхсонов | – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, раис муовини. |
| Г.Т. Зарипов | – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо. |
| Ю.Ю.Азимов | – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо. |
| Н.О. Сафарова | – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо. |
| А.Р.Ҳамроев | – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудир, аъзо. |
| Ф.М.Қосимов | – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо. |
| Ғ.М.Сайфуллаев | – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо. |
| Н.Б.Адилова | – бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо. |
| Р.А.Қўлдошев | – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо. |
| Р.Х.Жумаев | – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо. |

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2022 йил 29 март куни Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида “Бошланғич таълимда халқаро баҳолаш тажрибаси: муаммо, ечимлар ва истикболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

Масъул муҳаррир:

А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари доктори, доцент

Такризчилар:

Б.Р.Адилов, педагогика фанлари доктори, профессор

Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

Мангуберди, Пахлавон Махмудлар ўз ватанининг осойишталиги йўлида ўз жонларини ҳам фидо қилишган. Шоҳ ва шоир Бобур “Анда жоним қолди менинг” деганида ўз ватанини энди кўролмаслигидан афсусланган бўлса ажаб эмас... Демак, ҳар бир ўқувчида аждодларимизда мужжасам бўлган ватанпарварлик туйғуларини шакллантирмоғимиз даркор.

Миллий кадриятларни асраш-авайлаш оркали ўқувчиларда ватанпарварлик туйғулари шаклланади. Шунингдек, ўқувчиларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш уларда бойликларни сақлаш, ўзи туғилиб ўсган ҳудуд салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий гурур, миллий ўзликни англаш каби шахсий сифатларни таркиб топтиради.

Ўқувчиларни миллий кадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидаги ҳолатларга амал қилиш лозим.

-ўқувчиларни миллий кадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг тизими имкониятларини белгилаб олиш;

-синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар дастурига “ўқувчилар онгига миллий кадриятлар ва ватанпарварлик туйғулари”ни сингдиришга доир мавзулар киритилиши лозим;

-аниқлаб олинган дастур асосида унинг мақсади, тарбиялаш методлари ва ватанпарварлик туйғуларини амалга оширишнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқиш.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИ ВОСИТАСИДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ

М.Х.Тилавов (БухДУ)

С.Б.Болтаев (БухДУ жисмоний маданият
йўналиши 2-курс талабаси)

Ёшларда юксак маънавий фазилатларни, моддий кадриятларни, бой маданий меросимиз, тарихимиз, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига, мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш замон талаби бўлиб қолди. Бунинг учун эса таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида умумий ўрта таълим мактабларида, ўрта-маҳсус, касб-хунард коллежлари ҳамда педагогика олий таълимида халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-мурувват, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат, инсонпарварлик, ғоявий содиқлик, маънавий поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, иқтисодий тежамкорлик, талабчанлик, тарғиботчилик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, касбий ҳаракатчанлик туйғуларини ҳар бир талаба онгига сингдириш талаб этилади.

Ҳозирги шароитда Республикаимизга меҳнат ва касб таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш, баркамол ёшларни касбий маънавий-маърифий фаолиятга тарбиялаш, методик жиҳатдан ҳам энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида талабаларни касб-хунард ўргатишга бўлажак меҳнат ва касб таълим ўқитувчиларини маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш иши педагогика олий ўқув юртларида янги педагогик технологиясини такомиллаштириш, таълим йўналиши бўйича тарғиботчи, ташкилотчи, ташаббускор, тадбиркор, касбий ҳаракатчан, мақсад сари интилувчан, юқори малакали мутахассисларни етиштириб беришнинг зарурлиги билан изоҳлаш ўринли. Бу масалани илмий-методик ўрганиб, қайд қилиш ва янги услулларни яратишни тақозо этади. Маънавий соғлом миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг тамойилларга асосланган, педагогик тафаккурли ўқитувчидан янги ишлашни ва маънавий-маърифий фаолиятдаги доимий хусусиятларини, меҳнат таълим йўналиши бўйича халқ хунардчиллигини бугунги кун эҳтиёжига мос равишда янгиланиши тақозо этди. Бўлажак ўқитувчининг маънавий-маърифий фаолияти ҳам янгиланган ижтимоий-педагогик тафаккурга асосланиб, меҳнат ва касб таълимининг мақсад, вазифа ва мазмунига мос ҳолатда ўзгарди. Бу ўзгаришларга мос ҳолда мактабларда самарали маънавий-маърифий фаолият кўрсата оладиган зарур касбий маънавий сифат ва фазилатларига ўқитувчиларни тайёрлаш ишини муваффақиятли ташкил этиш учун ижтимоий-педагогик тизимида муҳим ўзгаришларни ошириш лозим бўлади.

Ёшларни маънавий-тарбиялаш, уни илм-хунардли инсонларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти хақида Шарқнинг, хусусан Ўрта Осиё халқ таълими арбобларининг, ҳадисчи - қомусий олим энциклопедистларининг бебаҳо асарларида таълим-тарбия берадиган ўқитувчининг роли

масаласига оид фикрлар мавжуд. Бу мутафаккирларни илмий изланишларининг асосий ғояси—маълум даражада ўзининг ақл-идроқка асосланган, далилларини инсоний ақлий, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний тарбия воситаларини фалсафий тафаккурга, ислом мафкураси билан ёнма-ён жалб қилишга интилишдан иборат бўлади.

Абу Райҳон Беруний ёшларни илк ёшдаги ноёб қобилиятларини мия, асаб тузилиши хусусиятлари билан белгилайди. “Лекин бундай аломатли кишилар машҳур шахс бўлиши турган гап деган маънони бермайди. Ҳамма нарсани кейинчалик олиб бориладиган таълим-тарбия хал қилади. Яхши меъёрли таълим-тарбия натижасида баъзи ҳолларда қобилиятли болалар ўсиб улғайиб, у ёки бу соҳада истеъдодли кишилар бўлиб етишадилар” деб ёзган. Абу Райҳон Беруний фикрига кўра, ўқитишда ва мустақил ўқишда қўлланиладиган бошқа муҳим усул, бу аввалроқ олинган билимларни янада аниқлаштириш ва текшириш мақсадида баён этилган ёзма ёдгорликларни ўрганишдир.

“Тафҳимда” Беруний ярим ёпик сўроқлаш усулидан кенг фойдаланган. Бу усул қуйидагича: ўқувчи мураббий томонидан таклиф қилинган жавоблардан бирини ёки бир нечасини танлаб олиш, ёки бўлмаса қўйилган саволга ўз жавобини бериши мумкин бўлган.

Абу Носир ибн Муҳаммад Форобий таълим-тарбияда ўқитувчининг муҳим ролини қайд қилиб, тарбиячининг маънавий қиёфасига эътибор беради. “Ўқитувчининг юриш-туриши, муомаласининг умумий мажбурий тартиб, қоидаси”, -деб ёзган Абу Носир Форобий, -шундай иборат бўлиши керакки, у ортикча каттикқўлликни, ҳаддан ташқари мувофиқни қилмаслиги керак, чунки шафқатсизлик таълим олувчини устозга қарши қилиб қўяди, ножўя ҳаракатга йўл бериш (эркалатиб юбориш) эса унинг шахсини беҳурмат қилишга сабаб бўлади, унинг дарс беришга ва фанига беҳафсалаликни юзага келтиради, ёки айтишларича, улар сув тома-тома худди тошни ўйганга қиёслайди.

Форобий дидактика учун анализ—синтез алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Унинг фикрига кўра фикр ва мулоҳазанинг, ошқора нарсдан пинҳона нарсага ўтиши икки йўл билан: 1) синтез усули, 2) таҳлил усули билан амалга оширилади.

Атоқли энциклопедист олим, табобат илми султони, файласуф, шоир, мусикашунос Абу Али ибн Сино ўқитувчини ёшларга таълим тарбия беришда тарбия мазмунини, усул ва воситаларини яхши биладиган, довюрак, пок виждонли, кўнгилчан инсон деб тасаввур қилади. “Ўқитувчининг юраги мени ўқувчиликка қабул қилиб олгандан кейин тасодифлар оғушида қолмаслик, муваффақият-сизликлар бўлмаслиги учун, у инсоннинг тарбияси билан шунчалик шуғулланиши зарур. Абу Али ибн Сино фикрича, ўқитувчи-донишманддир. Таълим усулларини ишлаб чиқиш ва таърифлаб беришда комусий олим, математика, астрономия, ҳуқуқшунослик, жўғрофия каби соҳалар билан шуғулланган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг хизмати каттадир. Олимнинг ўқувчига ёки таълим олувчига мурожаат қилишдек методик усули шубҳасиз катта қизиқиш уйғотади: “Агар сен... билишни истасанг, бундай қилгин”; “Агар сен деб айтсанг, бу шуни билдиради”; “Қоида қуйидагичадир: кўш, айриб ташла, кўпайтир, бўл”; “Агар сен... масала билан тўқнашсанг, унинг тўғри ечимини топишга уриниб кўргин”; “Сенга қандай қилиб... кўпайтиришни айтиб бераман”. Насриддий Тусий таълим олувчига таълим олиш йўлидаги насиҳатларида ўн тўртта маънавий фазилатни аниқлаб берди: сабр-тоқатлилик, инсонийлик, саҳийлик, олийжаноблик, хушмуомалалик, мўминлик, дўстликка мойиллик фазилатлари инсонни баркамолликка етаклайди.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ мутафаккирларининг бебаҳо асарларида баркамол шахсни тарбиялаш муаммолари хусусида асосли фикрлар баён этилган. Улардан таълим жараёнида ҳамда ёшларни тарбиялашда унумли фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бошлангич таълимда халқаро баҳолаш тажрибаси: муаммо, ечимлар ва истиқболлар

Qayimov Laziz. BOSHLAG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA TADBIRKORLIK KO'NIKMLARINI SHAKLLANTIRISH ZARURATI.....	269
Qayimov Laziz. O'QUVCHILARINI MAKTABDA IQTISODIY TARBIYANI AMALGA OSHIRISHGA PEDAGOGIK – PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGI	272
R. A. Qo'ldoshev, S. U. Subhonova. BOSHLAG'ICH SINFI CHAPAQAY O'QUVCHILARNI YOZUVGA O'RGATISHNING NAZARIY ASOSLARI	274
M. M. Джумаева. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ТАБИИЙ ФАҢЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК ТАЛАБЛАРИ	277
Юлия Землина. РОЛЬ ИНТЕГРАТИВНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ФОРМИРОВАНИИ ПОЛОЖИТЕЛЬНОЙ ОЦЕНКИ УЧЕБНЫХ ДОСТИЖЕНИЙ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ.....	280
Xudoyqulov Jamshid. BOSHLAG'ICH SINFDAN MATNLAR YUZASIDAN PIRLS TOPSHIRIQLARINI TAYYORLASHNING METODIK JIHATLARI.....	282
Toyirova M.M. UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA O'QUVCHILAR KREATIV SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	284
Abdullayeva Feruza Nurillayevna. TA'LIM TIZIMI SIFATINI OSHIRISHDA PISA VA TIMSS KABI XALQARO TADQIQOTLARNING ROLI.....	290
Алимова Анастасия Николаевна. PIRLS КАК ОДИН ИЗ СОВРЕМЕННЫХ АСПЕКТОВ РАЗВИТИЯ РЕЧИ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНИКА НА УРОКАХ ЛИТЕРАТУРНОГО ЧТЕНИЯ.....	292
Jumaniyozova M.X., Xo'janiyozova G.I. BOSHLAG'ICH SINFI ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILAR NUTQINI O'STIRISHNING METODIK JIHATLARI.....	294
Saidova Gulruh Halim PIRLS XALQARO TADQIQOTINING TA'LIM TIZIMIDAGI AHAMIYATI	296
G'aybulloyeva Yulduz Mehridinov. BOSHLAG'ICH SINFI O'QISH DARSLARINI TASHKIL ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	299
Ш.Абдурахмонов, С.Б.Болтаев. ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ.....	301
М.Х.Тилавов, С.Б.Болтаев. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИ ВОСИТАСИДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ.....	302
Г.Т.Зарипов, С.Б.Болтаев. БАРКАМОЛ АВЛОД ВА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ШАХС.....	304
Jumaniyozova M.X., Otanazarova M.H. SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA ISTIQLOL DAVRI BOLALAR ADABIYOTIDAN FOYDALANISH.....	305